

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Доно Зияева XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
3.Муродилла Ҳайдаров ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
4.Гулнора Гулямова XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
5.Арслон Нафасов ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
6.Ойбек Остонов ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
7.Умиджон Усаров XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
8.Зиёдулла Холбоев ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
9.Davlatbek Qudratov ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ АСРАВ-АВАЙЛАШ YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNI.....	83
10.Гўзал Раззоқова ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
11.Дилшода Рўзиева ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
12.Сафарали Қўшоқов ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ойбек Остонов Аликулович,
тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат аграр университети
ostonovo@rambler.ru

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)

For citation: Oybek Ostonov Alikulovich, THE ETHIC COMPOSITION OF THE AND THEIR SOCIO-ECONOMIC LIFE IN THE ZARAFSHAN VALLEY (LATE 19TH AND EARLY 20TH AND CENTURIES). Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 44-59

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўтмишда Зарафшон воҳасида истиқомат қилган халқларининг этник таркиби, этногенези ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ўрганилиб, Зарафшон воҳасининг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик учун қулай шароити қадимдан бу ҳудудга этник жиҳатдан мураккаб бўлган турли этник гуруҳларнинг кўчиб келиши, турли этнос вакиллари ўзаро иқтисодий, маданий алоқалари, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан ҳаёт кечирувчи туркий ва эронийзабон этнослар турмуш тарзи ёритилган. Унда ярим ўтроқ чорвадор ва қисман деҳқончилик билан банд бўлган туркий тилли этник гуруҳлар, тоғолди, дашт, ва чўл минтақаларида чорвачилик билан шугулланувчи кўчманчи туркий қабилалар ҳаёти уларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва маънавий алоқалари туфайли бу ҳудудда этноантропологик субстрат маҳаллий аҳоли қатлами шаклланишининг сабаблари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: этнос, этногенез, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, туркий ва эронийзабон этнослар, маданий алоқалар, этноантропологик субстрат этник гуруҳлар.

Ойбек Остонов Аликулович,
кандидат исторических наук, доцент
Ташкентский государственный аграрный университет
ostonovo@rambler.ru

ЭТНИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА И СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ НАСЕЛЕНИЯ ЗЕРАФШАНСКОГО ОАЗИСА (КОНЕЦ XIX -НАЧАЛО XX ВВ.)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются этнический состав, этногенез и факторы, влияющие на формирование народов проживающих в Зарафшанском оазисе, анализируются благоприятные условия Зарафшанского оазиса для сельского хозяйства, животноводства и ремесленничества ставшие причиной переселения из давних времен различных этнических групп, которые являются этнически сложными, анализируется формирование этно-антропологически субстратного локального слоя населения в этой территории благодаря взаимным экономическим, культурным и духовным связям тюркских и ираноязычных этнических групп, занимающихся сельским хозяйством, ремесленничеством и торговлей, полуседлых тюркоязычных этнических групп, занимающихся животноводством и частично земледелием, кочевых тюркских племен, занимающихся скотоводством в предгорьях, степях и пустынях.

Ключевые слова: этнос, этногенез, земледелие, животноводство, ремесленничество, торговля, тюркские и ираноязычные этносы, культурные связи, этно-антропологически субстратно этнические группы.

Oybek Ostonov Alikulovich,
PhD, Associate Professor
Tashkent State Agrarian University,
ostonovo@rambler.ru

THE ETHNIC COMPOSITION OF THE AND THEIR SOCIO- ECONOMIC LIFE IN THE ZARAFSHAN VALLEY (LATE 19TH AND EARLY 20TH AND CENTURIES)

ABSTRACT

In this article, the ethnic composition of the population who settled in the Zarafshan valley at the end of the 19th and early 20th centuries was studied. Favorable natural and geographical and climatic condition of the valley Zarafshan for crafts and livestock was caused to move and settle of many various ethnic groups and these ethnic groups maintained economic, cultural and trading relationships and they did their living by partial farming as permanently resident and they spoke in Turkic language and contribute to form ethnotropological substract of the local population. Here also the analysis the changes of history of in the formation of not only economic activities and livelihoods, but also multifaceted spiritual culture and national mentality were highlitd.

Index Terms: Uzbek tribes, ethnic composition, turkish language ethnic groups,

traditional crafts, trade relations.

1. Долзарблиги:

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудларида жами 3 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан қарийб 700 мингга яқини Зарафшон воҳасида истиқомат қилган. Воҳа ўлкада аҳоли зич жойлашган ҳудудлар сирасига кирган. Аҳолининг таркибий қисми ҳам турлича бўлган. Бу даврларда воҳадаги айрим маҳаллий қишлоқлар аҳолиси ягона уруғга мансуб бўлган кишилардан ташкил топганлиги билан характерланади. Шундай қилиб XIX аср иккинчи ярмида Зарафшон воҳасида мураккаб этнодемографик жараёнлар содир бўлди. Биринчидан, аҳолининг сони кескин ошди. Иккинчидан кам сонли этник гуруҳлар қисман ўзбеклар таркибига сингиб бордилар. Учинчидан, бу даврда русийзабон аҳоли вакиллари кириб келиши кузатилади. Натижада Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби тобора ранг-баранг тус олди.

Зарафшон воҳасининг табиий-жуғрофий ва иқлимий шароити аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб келди. Мазкур мақола айнан ушбу муаммонинг ечимини топишга бағишланган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақоланинг мақсади XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Зарафшон воҳасида истиқомат қилган аҳолининг этник таркибини таҳлил қилиш ва воҳа халқларининг этногенези ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатган уруғларни ўрганишдан иборат. Ушбу мақоламавзусини ёритишда статистик, таққослама, эксперт баҳолаш, таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Зарафшон воҳасининг аҳолиси ҳақида "Туркестанские ведомости" газетасида воҳа тарихи, хусусан, этник таркибига оид қизиқарли маълумотлар учрайди. А.Гребенкиннинг "Минг", "Ўзбеклар", "Зарафшон округининг этнографик очерки" [1], А.Хорошхиннинг "Ўрта Осиё халқлари" [2] каби мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар шахсий кузатишлари ва тўплаган материалларига таянган ҳолда ёзган мақолаларида Зарафшон воҳасида яшаган бир қанча ўзбек уруғларининг қачон ва қайси даврларда бу ҳудудларга келиб ўрнашганлиги, уларнинг тармоқлари, шевалари ва антропологик қиёфалари, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа хусусиятларини таърифлаб берганлар.

А.Гребенкин ўша даврда Зарафшон воҳасида 20 та ўзбек уруғи истиқомат қилганлигини таъкидлайди [3]. А.Хорошхин эса Зарафшон воҳасида истиқомат қилган 24 та уруғ номини келтирган. Кўриниб турибдики, ҳар иккала муаллиф Зарафшон воҳасида яшаган ўзбек уруғларининг сонини турлича кўрсатишган. Лекин улар туёқли, минг, найман, уйшун, сарой, юз, қирқ, қипчоқ, хитой, жалойир, дўрмон ва турк уруғлари хусусида бир хил фикр билдиришган. Шунингдек, А.Гребенкин ўз тадқиқотларида қутчи, қатагон, мангит, баҳрин уруғларини санаб ўтган бўлса, А.Хорошхин ундан фарқли равишда қўнғирот, қонжигали, болғали, қиёт, саёт, чигатой, қанғли, олчин, ғариб, қирғиз уруғларини ҳам тилга олади.

Зарафшон воҳаси халқларининг этногенезиси ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатган уруғларни ўрганишда Н.В.Хаников ўзининг "Описание Бухарского ханства" асарида Низомиддин ибн Домла Шоҳ Саид Маҳдум қаламига мансуб "Насабномаи ўзбек" қўлёзмасига асосланиб, 92 қавм ва унинг шахобчалари

ҳақида тўлиқ маълумот беради. Масалан, манғитларнинг тўқ манғит, оқ манғит, қора манғит, қўнғиротларнинг қонжиғали, қўштамғали, отинли, чувак тамғали каби шаҳобчалари борлиги ҳақида ёзади [4]. Н.В.Хаников ўзбек қавмларидан 28 таси Бухоро хонлигида яшаганлигини ва уларнинг турар жойларини кўрсатади. Жумладан, манғитлар Бухоро билан Қарши, хитойлар Бухоро ва Кармана, найманлар Зиёвуддин, қипчоқлар Каттақўрғон билан Самарқанд, саройлар Самарқанддан Қаршига борадиган йўл атрофларида, қўнғиротлар, дўрмонлар Кармана ва Ғиждувон, баҳринлар Миёнқол ҳудудидаги ерларда истиқомат қилганлигини таъкидлайди [4].

Тадқиқотчи И.И.Зарубиннинг "Население Самаркандской области" асарида [5] бир қатор эътиборга лойиқ фактлар келтирилган. Қуйи Зарафшон воҳаси аҳолисининг кўпчилиги қисмини ташкил этувчи ўзбек ва тожиклар, туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи қабила ҳамда халқларнинг ўзаро этник ва маданий алоқалари асрлар давомида шаклланиб борган. 1924 йили Ўрта Осиёда ўтказилган тадқиқотлар [6] туфайли воҳа ва унинг атрофларида яшовчи аҳолининг сони, этник таркиби тўғрисидаги дастлабки муфассал маълумотлар қўлга киритилган. Ушбу маълумотларга кўра, қуйи Зарафшон воҳасининг умумий майдони 2,832 кв.км.ни ташкил қилиб, аҳолиси 359.118 нафардан иборат бўлган. Маълумки, Зарафшон воҳаси аҳолисининг ҳаётида қишлоқ хўжалиги етакчи мавқега эга бўлган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, экин экишга яроқли ер ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланган. XIX асрнинг 70-йиллари бошларида бир қатор рус тадқиқотчилари ва баъзи бир амалдорлар воҳадаги аграр соҳани ўрганишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Л.И.Соболев Самарқанд вилоятида ана шундай тадқиқот олиб борган. У ҳам ўз қайдларида вилоятдаги амлоқдорлик ерларидан хирож олинганлигига алоҳида урғу берган [7]. М.Н.Ростиславов [8] ҳам амлоқ ерларда меҳнат қилган деҳқонлар мунтазам равишда ер солиғи - хирож тўлаб турганликларини таъкидлайди. А.А.Семенов [9] эса амлоқ ерлардан олинадиган солиқлар ниҳоятда юқори бўлиб, етиштирилган умумий ҳосилнинг 40-50 фоизини ташкил этганлигини қайд этган.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон воҳасида аҳолининг таркибий қисми турлича бўлган. "Туркестанские ведомости" газетасида воҳа тарихи, хусусан, этник таркибига оид қизиқарли маълумотлар учрайди. Масалан, А.Гребенкиннинг "Минг", "Ўзбеклар", "Зарафшон округининг этнографик очерки" [1], А.Хорошхиннинг "Ўрта Осиё халқлари" [2] каби мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар шахсий кузатишлари ва тўплаган материалларига таянган ҳолда ёзган мақолаларида Зарафшон воҳасида яшаган бир қанча ўзбек уруғлари (туёқли, минг, найман, манғит, жалойир, қирқ, юз, дўрмон ва ҳ.к.) ларнинг қачон ва қайси даврларда бу ҳудудларга келиб ўрнашганлиги, уларнинг тармоқлари, шевалари ва антропологик қиёфалари, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа хусусиятларини таърифлаб берганлар.

А.Гребенкин ўша даврда Зарафшон воҳасида 20 та ўзбек уруғи (туёқли, минг, найман, уйшун, қутчи, қатағон, манғит, сарой, баҳрин, юз, қирқ, хитой, митан, жалойир, дўрмон, ўтарчи, турк ва бошқалар) истиқомат қилганлигини таъкидлайди [3].

А.Хорошхин эса Зарафшон воҳасида истиқомат қилган 24 та уруғ (қўнғирот, қипчоқ, хитой, қонжағали, болғали, қиёт, саёт, чигатой, найман, уйшун, мўйтан, жалойир, қанғли, олчин, минг, қирқ, юз, туёқли, сарой, ғариб, турк) номини

келтирган. Кўриниб турибдики, ҳар иккала муаллиф Зарафшон воҳасида яшаган ўзбек уруғларининг сонини турлича кўрсатишган. Лекин улар туёқли, минг, найман, уйшун, сарой, юз, қирқ, қипчоқ, хитой, жалойир, дўрмон ва турк уруғлари хусусида бир хил фикр билдиришган. Шунингдек, А.Гребенкин ўз тадқиқотларида қутчи, қатагон, манғит, баҳрин уруғларини санаб ўтган бўлса, А.Хорошхин ундан фарқли равишда кўнғирот, қонжигали, болғали, қиёт, саёт, чигатой, қанғли, олчин, ғариб, қирғиз уруғларини ҳам тилга олади.

Зарафшон воҳаси халқларининг этногенезиси ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатган уруғларни ўрганишда Н.В.Хаников ўзининг "Описание Бухарского ханства" асарида Низомиддин ибн Домла Шоҳ Саид Маҳдум қаламига мансуб "Насабномай ўзбек" қўлёзмасига асосланиб, 92 қавм ва унинг шахобчалари ҳақида тўлиқ маълумот беради. Масалан, манғитларнинг тўқ манғит, оқ манғит, қора манғит, кўнғиротларнинг қонжигали, кўштамғали, отинли, чубак тамғали каби шахобчалари борлиги ҳақида ёзади [4]. Н.В.Хаников ўзбек қавмларидан 28 таси Бухоро хонлигида яшаганлигини ва уларнинг турар жойларини кўрсатади. Жумладан, манғитлар Бухоро билан Қарши, хитойлар Бухоро ва Кармана, найманлар Зиёвуддин, қипчоқлар Каттақўрғон билан Самарқанд, саройлар Самарқанддан Қаршига борадиган йўл атрофларида, кўнғиротлар, дўрмонлар Кармана ва Фиждувон, баҳринлар Миёнқол ҳудудидаги ерларда истиқомат қилганлигини таъкидлайди.

Зарафшон ҳавзасида минг уруғлари кўп сонли бўлиб, улар воҳанинг жанубий-шарқий қисмида яшаганлар. Минглар тўғали ва увоқ тамғали каби уруғларга бўлинган. Ўз навбатида бу уруғлар яна майдароқ уруғларга ажралган: Жумладан, тўғали - ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшоқ ва бошқа уруғларга; увоқ тамғали эса алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўқнамоз, қийхўжа, ярат каби уруғларга бўлинган. Тўғали уруғидан беклар кўп чиққан. Ўрта Зарафшон воҳаси минглари қўйидаги уруғларга бўлинган: оқтўғали, боғлон, қора боғлон, телеминг, тўғали, уғлон ва ойтамғали [10].

1870 йиллар бошида минглар, асосан, Самарқанд вилоятининг жануби ва жануби-шарқида, Ургут тумани амлоқдорликлари қишлоқларида яшаганлар. Жумладан, улар Камонгарон амлоқдорлигида Шербута, Мерганчи, Вагушта, Қинғир, Саритепа, Бойқишлоқ, Нисват, Бобожонбой, Карим, Кўлқишлоқ, Санчуқли, Хўжақишлоқ ва Ачамайли қишлоқлари; Оби Ургут амлоқдорлигида Бешкапа, Ғойибота, Баландқишлоқ, Мирзабоғлон, Бешёғоч ва Ёр қишлоқлари; Қозонариқ амлоқдорлигида Манғитобод, Жазманкатта, Жазманкуйик, Бешкапа, Занбурак, Работқишлоқ, Занжирбоғ, Мирзабоғлон қишлоқлари; Журантепада Ачамайли ва Алғол, Ёмонтелпак, Бешкапа, Санчоқли, Моғул, Работ, Мохов, Ғойибота (катта) ва Ғойибота (кичик), Куюққишлоқ, Ватак, Узунқишлоқ, Урагвайжари, Санчуқли, Қайроқли, Ўрамас катта ва Ўрамас кичик қишлоқлари; Шовдор туманида Ясситепа, Бутбой, Наузандак, Ялонғоч, Ўрта, Чорбоғтепа, Туғай, Қўтирбулоқ, Қармиш қишлоқларида яшаганлар [10].

Қоратоғда Самарқанд вилояти Даҳбед мавзесидан борган найманлар яшашган, чунки Даҳбеднинг жануби ва жануби-ғарбий ҳудудларида асосан найманлар жойлашган эди. Самарқанд вилоятида қипчоқлар ўтроқ ва ярми ўтроқ ҳолда яшовчи бошқа уруғларнайманлар билан ёнма-ён яшашган. Улар Пайариқ туманидаги Хоса, Маҳаммади, Чуқур, Мойлиболта, Томайрот, Қўтурбулоқ, Нарпай туманидаги Хўжақўрғон, Оқтепа, Қадим, Хўжақишлоқ, Чайқал, Бозоржой, Қорачигатой каби қишлоқларда ўрнашган эди [11]. Шунингдек Пастдарғом туманидаги: Милтиқчи

(Уқрач найман), Димишқ Боло(Дашт найман), Димишқ Поён (Паст найман) (Қозоқ найман), Мианкау (Кўтарма), Найман(Жилонли). қишлоқларда ҳам найманлар яшашган 1880 йиллар охири Димишқ каналиатрофидаги 12 та қишлоқда ўзбек найманлари (қозоқ гуруҳи) жойлашган эди. Нуробод туманининг чўл ва тоғ олди қишлоқларидан қуйидагиларда найманлар истиқоматқилишган: Тепакўл, Эгрикулча, Сазоғон (Уқрач), Ингичка найман (Бурунсой), Ариқли,Бойбича, Гумбаз (Бурунсой), Иброҳим ота (Уқрач), Уқрач найманлар бу ҳудудларга XVIIIасрнинг охири чоракларида Зиёвуддиннинг шарқидаги ўрта асрдаги Дабусия шаҳри яқиндаги Қали қалъаси атрофларидан келиб қолишган [19].


Найманларнинг шевалари турли-туман бўлиб, кўп ҳолларда яшаган жойлар аҳолиси тилива шевалари билан аралашиб кетган. Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё воҳаларидагинайманлар ўз шеваларида қипчоқлик хусусиятларини тўлиқ даражада сақлаб қолишган.XIX асрнинг охириларида ўзбек найманлари уч йирик уруғга бўлинган: қўштамғали,садирбеги, увахтамғали. Шунингдек найманларнинг бир қанча кичик гуруҳлари ҳам мавжудбўлган: агрин, айрончи, бадир, бия, боғонали, болтали, будалай, бурунсов, жағалбайли,жовтовон, жилонли (илонли), жумалақ (юмалоқ) бош, олти ота, олти ўғил, оқ тўнли, сегизурув (саккиз уруғ), сари найман, тўртул (тўрт ўғил), тўрт тамғали, ургуч, украш, чанғали,чўмичли, гозоёқли, қорачадат, қорасирак, қарғали, қилтамғали, қўлтамғали ва бошқалар. Самарқанд вилояти Пастдарғом ва Нарпай туманларида истиқомат қилувчи найманлартаркиби қуйидагича бўлган: олти ўғил, пўлатча, улус, зарман, кичкидик, чимбой, қоранайман, захнайман. Шунингдек Хўжайли туманида ос-найман, оччили-найман, катанлар найман, ваҳимли-найман, тургоқ-найман, буйрак-найман, уйғур-найман, уйшун-найманлар гуруҳлари ҳам яшашган. Зарафшон водийси саройларининг қипчоқ сарой таркибида чор кўса найманлариниучратиш мумкин.

Академик К.Шониёзовнинг ёзишича, Зарафшон водийсида қипчоқларнинг қорақипчоқ тармоғида қоранайман гуруҳи мавжуд. Қоранайман ўзбек найманлари ва найман қирғизларининг энг асосий тармоқларидан ҳисобланади.

Зарафшон воҳасининг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик учун қулай шароити қадимдан бу ҳудудга этник жиҳатдан мураккаб бўлган турли этник гуруҳларнинг кўчиб келишига сабаб бўлган. Шу боис қадимдан бу минтақада турли этнослар вакиллари ўзаро иқтисодий, маданий алоқада бўлиб, ўзаро тинч-тотув яшаб келганлар. Зотан, бу ерда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан ҳаёт кечирувчи туркий ва эронийзабон этнослар, ярим ўтроқ ҳолатда чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан банд бўлган туркий тилли этник гуруҳлар, тоғолди, дашт, ва чўл минтақаларида чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи туркий қабилалар яшаганлар [5]. Уларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва маънавий алоқалари туфайли бу ҳудудда этноантропологик субстрат маҳаллий аҳоли қатлами шаклланди [11].

Тадқиқотчи И.И.Зарубиннинг "Население Самаркандской области" асарида [5] бир қатор эътиборга лойиқ фактлар келтирилган. Жумладан, унда XX аср бошларига келиб,Самарқанд шаҳри аҳолиси 96.402 нафар, Каттақўрғон шаҳри аҳолиси 11.570 нафарни ташкил этганлиги кўрсатилган. Айни пайтда, Самарқанд уезди бўйича 280.509 киши, Каттақўрғон уезди бўйича эса 135.929 киши рўйхатга олинган. Шу жумладан, ўзбеклар Самарқанд уездида 175.931 нафарни, Каттақўрғон уезди бўйича эса 124.368 кишини ташкил қилган [5,С.11]. Шунингдек, Самарқанд уездида 72.299 нафар, Каттақўрғон уездида эса 261 нафар тожик яшаган.

Шунингдек, Самарқанд уездида 5.168 нафар турклар истиқомат қилишган. Араб этник гуруҳига мансуб кишилар эса Самарқанд уездида 4.417 нафар, Каттақўрғонда эса 2.786 нафарни ташкил этган [5,С.11]. Бундан ташқари, вилоятда кам сонли қуйидаги этник гуруҳлар вакиллари ҳам яшаганлар:



Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида, яъни Бухоро амирлигининг марказий бошқаруви остида бўлган Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Пирмаст, Хўжа Ориф (Шофрикон), Ромитон ва Зарафшон (Шимолий ва жанубий Руд) туманлари [12] ҳамда Қоракўл, Кармана ва Зиёвуддин ҳудудларида ҳам аҳоли нисбатан зич яшаган.

Қуйи Зарафшон воҳаси аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи ўзбек ва тожиклар, туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи қабила ҳамда ҳалқларнинг ўзаро этник ва маданий алоқалари асрлар давомидашаклланиб борган. 1924 йили Ўрта Осиёда ўтказилган тадқиқотлар туфайливоҳа ва унинг атрофларида яшовчи аҳолининг сони, этник таркиби тўғрисидаги дастлабки муфассал маълумотлар қўлга киритилган. Ушбу маълумотларга кўра, қуйи Зарафшон воҳасининг умумий майдони 2,832 кв.км.ни ташкил қилиб, аҳолиси 359.118 нафардан иборат бўлган. Қоракўл ҳудудининг майдони 712 кв. км, аҳолиси 24.765 киши, Кармана ҳудудининг майдони (Қарнаб чўлидан ташқари) 3253 кв.км, аҳолиси 82,990 кишидан иборат эканлиги ҳамқайд этилган [6,С. 253]. Воҳа аҳолисининг асосий қисми (86,8 фоизи) қишлоқ жойларда яшаган. Этник таркибига кўра ўзбеклар (284.753 нафар), тожиклар (39.044 нафар), араблар (31.541 нафар) ва туркманлар (12.773 нафар) кўпчиликни ташкил қилган[6,С. 163].

XX аср бошларида ҳам аҳолининг турли уруғларга бўлиниши билан ажралиб турган. Масалан, Шофрикон ҳудудида яшаган кишилар 14 уруғ-аймоқларга бўлинган бўлса, Вобкент аҳолиси 26, Ромитон аҳолиси 15, Қоракўл аҳолиси 32, Ғиждувон аҳолиси 38, Кармана аҳолиси 33 ва Бухоро атрофида (Галаосиёда)

яшаган аҳоли 38 уруғ ва этник гуруҳларга мансуб бўлган[6,С. 182].

Аҳолини рўйхатга олиниши натижаларига кўра, уруғ-қабиллага бўлинмаган ҳолда яшовчи ўзбеклар орасида чигатойлар анча камчиликни ташкил этган. Хусусан, Бухоро атрофларидаги воҳада 230 нафар, Шофрикон ҳудудидаги Султонработ ариғи бўйларида ва Галаосиё ҳудудидаги Шоҳруд ариғи бўйларида 210 нафар чигатойлар истиқомат қилишган[6,С. 184].

Қорақўлда эса 565 киши ўзларини чигатой уруғига мансуб деб ҳисоблашган[6,С.222]. Бир пайтлар Дашти Қипчоқдан кўчиб келган ўзбекларнинг авлодлари қуйи Зарафшон воҳасида анчагина катта нуфузга эга бўлишган. Улар орасида алоҳида мавқега эга бўлган манғитлар (44 минг нафар) воҳанинг шимолий ва шимоли-шарқий тарафидаги Шофрикон, Фиждувон ва Ромитон ҳудудларида қўним топган эди. Шунингдек, Қорақўл воҳасида ҳам 8 минг манғит рўйхатга олинган[6,С.185]. Мирза Бади Девон маълумотларига кўра, манғитларнинг ўзлари ҳам қисмларга бўлинган. Масалан қора, оқ, кўк кабиларга ажратилган [13].

XVI аср бошларида воҳага келиб ўрнашган қўнғиротлар [14] Бухоро ва Қорақўл ҳудудларида ҳам кўп сонли уруғлардан (жами 13875 нафар) [6,С.261, 262] ҳисобланган. Шунингдек, Фиждувоннинг шимолидаги Қизилқум билан чегарадош аҳоли пунктлари ва Шофриконда (5245 нафар), Султонработ ариғи (2370 нафар) ҳамда Вобкентдарё бўйларида (2160 нафар) ҳам қўнғиротлар истиқомат қилишган [6,С.188]. Сарой уруғи ҳам ўзбек уруғларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Ушбу уруғ вакиллари ҳам воҳанинг турли ҳудудлари бўйлаб сочилиб яшаган. Саройларнинг кўпчилиги Ҳархонруд ариғи бўйларида 17945 нафар, шу жумладан, Фиждувон ҳудудида 7095 нафар, Вобкентда 4165 нафар, Шоҳруд ариғи бўйларида 3575 нафар ва Султонобод ариғи бўйларида 1310 нафар, қисман Пирмаст ариғи атрофларида (Фиждувон ҳудудида), Абу Муслимда (Когон ва Қизилтепа ҳудудларида) ҳамда Пойкент (Қорақўл ҳудудида) тарқалган эди [6,С.193].

Қатағон уруғи вакиллари (жами 7315 нафар) ҳам асосан воҳанинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмидаги Султонобод (1680 нафар), Пирмаст (1070 нафар), Ҳархонруд (995 нафар) ва Фиждувон ҳудудидаги бошқа майда ариқлар бўйларида (2100 нафар) яшаганлар[6,С.194, 195]. Қатағонларнинг бир тармоғи бўлмиш олчинлар эса Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида, асосан Ҳархонруд ва Мозаронган ариқлари бўйларида (1775 нафар), Кармана воҳасидаги Касаба ва Қалқонота ариқлари бўйларида (750 нафар) жойлашганлар. Жалойир (1820 киши), кенегас (2725 киши) ва баҳрин (1390 киши)[6,С.193, 214-215] сингари оз сонли ўзбек уруғлари ҳам XX аср бошларига қадар ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи маҳаллий халқлар билан ўзаро чатишиб кетган.

Шунингдек, бутун қуйи Зарафшон воҳаси бўйича 16140 нафар метис номи билан аталувчи аралашган этник гуруҳлар вакиллари ҳам рўйхатга олинган бўлиб, улар асосан Бухоро атрофларида Когон ва Қизилтепа ҳудудларида истиқомат қилишган. Воҳанинг шимолий ва қисман марказий қисмларида келиб чиқиши Дашти Қипчоқдан бўлган бошқа ўзбек уруғларини ҳам учратиш мумкин эди. Жумладан, найманлар (5 минг нафар), минглар (1413 нафар), қирқлар ва юзлар (9185 нафар) шулар жумласидандир. Қипчоқларнинг (жами 9935 нафар) кўпчилиги Шоҳруд (4970 нафар), Вобкентдарё (2105 нафар) ва Шофрикон (1700 нафар) ариқлари ҳавзасида, озчилик қисми эса воҳанинг жанубий ҳудудларида тарқоқ ҳолда яшаганлар [6,С.206]. Воҳанинг ғарб тарафидаги Хайробод ариғи ҳавзасида 2170 нафар дўрмонлар ҳаёт кечиришган. Ушбу уруғи вакиллари Кармана (1565 нафар) ва Қорақўл (1765 нафар) ҳудудларида ҳам тарқалган эди[6,С.207].

Зарафшон воҳасининг қўйи қисмида яшаган аҳолининг сўзлашуви борасида филологик тадқиқот олиб борган М.Мирзаев [15], 1926 йилги районлаштириш маълумотларига таяниб, ҳудуднинг этнографик харитасини тузишга ҳаракат қилган. М.Мирзаев маълумотларига кўра, воҳанинг қўйи қисми аҳолиси шеваларига қараб 4 гуруҳга бўлинган: 1. қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида сўзлашувчи ўзбек гуруҳлари; 2. ўғуз лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар; 3. қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар; 4. ўзбек (қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида) ва тожик тилида сўзлашувчи икки тилли гуруҳлар [15, Б.11,19].

Ўғуз лаҳжасида асосан Қоракўл, Олот туманларида ва Ромитан туманининг баъзи қишлоқлари, яъни Сепота, Қорали, Челангу, Кохуштовон қишлоқларида, Вобкентда Чандир қишлоғида, Бухоро атрофидаги Лоша, Харгуш, Хумин, Хумдонак қишлоқларида яшаган аҳоли сўзлашган. Бу лаҳжада сўзлашувчи ўзбек уруғларини асосан олот, баёт, жиғачи, дарғали, жанафар, қараун, қоравул, саёт, салир, эрсари, чандир, эски, тамжик, буржик каби уруғлар ташкил этган [15, Б.15]. Қипчоқ лаҳжасида Кармананинг баъзи қишлоқларида сўзлашишган [15, Б.17]. Ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи аҳоли эса ўзларини келиб чиқишини манғит, найман уруғларидан деб ҳисоблашган [15, Б.21].

Бу даврларда воҳадаги айрим маҳаллий қишлоқлар аҳолиси ягона уруғга мансуб бўлган кишилардан ташкил топганлиги билан характерланади. XIX аср ўрталарида Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларида маълум даражада жонланиш бўлган. Бу ўз навбатида урбанизация жараёнини тезлаштирган. Натижада шаҳарларда аҳоли нисбатан тез кўпайиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Воҳа аҳолисининг кўшни вилоятлар ва мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари ривожлана бошлаган. Шу билан бирга, асрлар давомида амирлик ҳудудларида барча соҳаларда шаклланиб келган ижтимоий тенгсизлик, ҳуқуқсизлик, адолатсизлик Зарафшон воҳаси аҳолиси ўртасида ҳам яққол сезилиб турган. Ўша даврда барча ижтимоий-иқтисодий масалалар ер-мулк муносабатларига бориб тақалганлиги туфайли ер эгаллиги қудратли моддий база ҳисобланган. Йирик ер эгалари-мулкдорлар асосий оммани меҳнатнинг турли кўринишларига жалб этиши мумкин эди. Ер мулкчилиги воҳада ўрта асрларга хос хусусиятини деярли сақлаб қолган. Бу даврда воҳа деҳқонлари уч тоифага бўлинган: 1) хусусий ер эгалари ва жамоа аъзолари; 2) давлатга қарашли ерларда ишлаган деҳқонлар; 3) чорикорлар [16].

Воҳадаги ерлар қўйидаги тоифаларга бўлинган: мулки ҳур - солиқдан бутунлай озод этилган вақф ерлар; мулки хирож - ҳар бир танобининг учдан икки ёки бешдан бир қисмигача солиқ солинадиган ерлар; амалдорларнинг етиштирилган ҳосилнинг 2/5 қисми миқдорида натурал солиқ тўлайдиган ерлари. Даҳяк солиқ турига биноан эса ер эгалари ҳосилнинг 1/10 қисмини давлат ихтиёрига ўтказар эди.

Вақф ерларидан келадиган даромад асосан мадрасалар таълимини ташкил этиш ва бошқа диний эҳтиёжлар учун сарфланган. Хирож солиғининг миқдори турли ерларда турлича эди. Масалан, Хатирчи ва Зиёвуддин бекликларида суғориладиган ерларда ҳосилнинг 3/10 қисми хирож сифатида олинган бўлса, Фиждувон, Вобкент ва Ромитон туманларида бу солиқ ҳосилнинг 4/10 қисмини ташкил қилган.

Амирликда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд солиқ турлари шариат қонунлари асосида жорий этилган. Унга кўра, фойда келтирадиган нимаики бўлса, барчасининг ҳисобидан солиқ тўланган. А.Мажлисунинг таъкидлашича, тадқиқ этилаётган даврда 33 хил солиқ, 11 хил мажбуриятлар, 15 хил маҳаллий

йиғимлар амалда бўлган [17].

Бухоро амирлигида ер солиғини йиғиб олиш тизими ўзининг мураккаблиги билан ажралиб турган. Ҳар бир туманга девонбеги ва маҳаллий беклар тавсиясига биноан амир ёрлиғига эга бўлган саркор (солиқ йиғувчи) тайинланган. Саркорларнинг қўл остида дарға, мирзо каби мулозимлар, шунингдек, қўмакчи йигитлар хизмат қилган. Мирзолар деҳқонларнинг рўйхатини тузиб чиқишган бўлса, дарғалар белгиланган ҳудудлардан солиқ йиғишган. Қўмакчи йигитлар эса уларни хирож тўплаш чоғида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай қаршиликлардан ҳимоя қилишган.

Маҳаллий молиявий маъмурият вакилларига амирлик ғазнасида хизмат ҳақи тайин қилинмаган. Улар учун ҳам аҳолидан кафсан деб аталувчи махсус солиқ йиғиб берилган. Зарафшон воҳаси ҳудудларида мингдан ортиқ киши шу йўсинда тирикчилик қилишган. Солиқ ва йиғимларни тўплашда амин ва қишлоқ оқсоқоллари ва беклик вакиллари иштирок этишган. Амирлик ҳукумати амлок ерлардан олинадиган солиқларнинг ғазнага келиб тушишини мунтазам кузатиб борган. Амлокдорлар бундай ерлардаги ҳосил чўғини чамалаб, улардан олинадиган солиқ миқдорини аниқлашган. Шунга қарамасдан, солиқ тўпловчилар маълум даражадаги совға-саломлар эвазига бойларнинг солиқлари миқдорини камайтириб, асосий оғирликни камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар зиммасига юклашга ҳаракат қилишган.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етилган паллада дарғалар хирмонга келишиб, "ҳосил чўғини" аниқлашган ва уни дафтарларига қайд этиб кетишган. Деҳқонлар дарғанинг рухсатисиз ҳосилни хирмондан олиб кетишолмаган. Бу тартибни бузганлар қаттиқ жазоланган, ҳатто улар ҳосилдан бутунлай маҳрум бўлишган ҳоллар ҳам кузатилган.

Бухоро амирлигида ер мулкининг асосий шакли "амлок ерлари" бўлиб, амир ихтиёрида бўлган бу ерлар деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилган. Амлок ерларида экин эккан деҳқонлар давлатга хирож ва бошқа солиқларни тўлаганлар [18]. Воҳа деҳқонлари хирождан ташқари яна қуйидаги солиқ ва йиғимларни тўлашга мажбур этилган:

1. Таноб пули - бедапоя, боғ, ҳовли ва пахта даласи учун ҳар танобдан 10-15 танга ҳисобида;
2. Сомон пули - суғориладиган ерларда етиштирилган ҳар бир ботмон буғдой учун 2 ботмон сомон ҳисобида;
3. Кафсан - амлокдор хизмат ҳақи учун ҳар 20 ботмон буғдойдан 0,5 пуд ҳисобида;
4. Қўш пули - баҳорда деҳқон далада иш бошлаш арафасида ихтиёридаги ишга яроқли ҳар жуфт ҳўкиз ҳисобидан 4-8 танга қўш пули тўлаган;
5. Обжувоз пули -бекка қарашли обжувоздан фойдаланган кишилар 20-100 тангадан обжувоз солиғи тўлашган;
6. Миробака - бек томонидан тайинланган ва маҳаллий амлокдорларга хизмат қилган миробнинг хизмат ҳақи учун йиғилган солиқ тури. Бунинг учун ҳар бир деҳқон йилига бир жуфт ҳўкиз ҳисобига бир ботмон буғдой ёки ҳосилнинг маълум қисмини пул ҳисобида тўлаган;
7. Чўп пули - дарахтларни кесиш ҳуқуқига эга бўлиш учун деҳқон кесилган дарахтнинг 3/8 қисми ҳисобидан солиқ тўлаган;
8. Шунингдек, бекликда хизмат қилувчи навқарларни маош билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳовлидан йилига 5-6 тангадан пул йиғиб олинган.

Маълумки, Зарафшон воҳаси аҳолисининг ҳаётида қишлоқ хўжалиги етакчи мавқега эга бўлган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, экин экишга яроқли ер ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланган. XIX асрнинг 70-йиллари бошларида бир қатор рус тадқиқотчилари ва баъзи бир амалдорлар воҳадаги аграр соҳани ўрганишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Л.И.Соболев Самарқанд вилоятида ана шундай тадқиқот олиб борган. У ҳам ўз қайдларида вилоятдаги амлоқдорлик ерларидан хирож олинганлигига алоҳида урғу берган [7]. М.Н.Ростиславов ҳам амлоқ ерларда меҳнат қилган деҳқонлар мунтазам равишда ер солиғи - хирож тўлаб турганликларини таъкидлайди [8]. А.А.Семенов эса амлоқ ерлардан олинадиган солиқлар ниҳоятда юқори бўлиб, етиштирилган умумий ҳосилнинг 40-50 фоизини ташкил этганлигини қайд этиб ўтган [9].

Россия империяси босқинидан сўнг воҳада бозор муносабатларининг ривожланиши ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучлар ва муносабатлар тарққиётига ҳам туртки бўлди. Натижада шаҳар ва қишлоқларнинг жадал равишда ўзаро яқинлашиши, уларда савдо-сотик, ҳунармандчилик ва тадбиркорликнинг янада жонланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашиши каби ҳолатлар юз берди. Шу билан бирга, ички бозорнинг шаклланиши жараёнида товар ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши воҳадаги ер эгалиги муносабатларнинг парчаланиши учун ўзига хос шароит яратди. Бу жараён товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан ер эгалиги муносабатларнинг парчаланиши ўртасида номутаносибликни вужудга келтирди. Товар ишлаб чиқаришга ички бозор эмас, балки ташқи бозор таъсир кўрсатаётганлиги бунга асосий сабаб бўлган эди.

Ўрганилаётган даврда Зарафшон воҳасида яшаган аҳолининг ҳаётини савдо-сотик, ҳунармандчилик, тадбиркорликсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Зотан, ҳунармандчилик, савдо-сотик воҳа иқтисодиётининг асосий тармоқларини ташкил этарди. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши жамият тараққиётининг асосий омили саналар эди. Ҳунармандларга эса жамиятда алоҳида мавқега эга бўлган ижтимоий тоифа сифатида қаралган. Бошқача айтганда, воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан нуфузга эга бўлган ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва тижоратнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган.

Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик тараққиёти бевосита савдо-сотик ва тадбиркорликнинг кенгайишига олиб келди. Ички ва ташқи бозорларда ҳунармандчилик маҳсулотларига талабнинг ортиши савдо-сотик ривожига кенг йўл очди. Зарафшон воҳасидаги энг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказлари саналган Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ички бозорлардаги пулнинг қиймати ва маҳсулотлар таннариhini белгилаб берган.

Воҳанинг аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида ҳафтанинг маълум кунларида бозор бўлган. Ички бозорларда аввало, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли ҳунармандчилик маҳсулотлари, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта эди. Умуман, бу даврда аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш вазифаси ҳунармандлар ва савдо аҳли зиммасида эди. Ушбу тоифа вакиллари тадбиркорлик туфайли орттирган фойда эвазига ҳаёт кечирганлар. Зарафшон воҳасидаги йирик шаҳарлар бозорлари нафақат шаҳарликлар, балки яқин атрофидаги қишлоқлар аҳолиси талабларини қондиришга ҳам хизмат қилган. Кўчманчи чорвадорлар шаҳарларда ўз маҳсулотларини ҳунармандчилик буюмларига айрибошлашган.

Зарафшон воҳасида тажриба ва анъаналар ҳосил қилган савдо-сотик тизими

Россия империяси мустамлакачилиги йилларида ҳам ўз йўлидан борди. Воҳадаги ички бозор савдоси асосий ўринни эгалларди. Маҳаллий ҳалқ етиштирган маҳсулотини қишлоқ ва шаҳар бозорларига чиқариб сотиб, ўзларига керак бўлган молларни харид қилганлар.

Ташқи савдо алоқаларининг кучайиши, воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ошиши, айниқса, пахтачиликка эътибор кучайиши бу соҳада товар-пул муносабатларнинг ривожланишига имконият яратди. Воҳада ерни сотиш, сотиб олиш, унга гаровга қўйиш ва қарзларни тўлаш воситаси сифатида қараш одат тусига кирди. Ер билан боғлиқ олди-сотди ишлари пул воситасида амалга оширила бошланди [19].

Воҳада аҳоли сонининг тобора кўпайиши, шаҳарларнинг кенгайиши савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожига туртки бўлди. Аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талаби ошиб бориши ва хомашё етиштириш имкониятларига қараб туманлар турли соҳаларга ихтисослаша бошлади. Масалан, ип-газлама маҳсулотлари етиштиришда Бухоро шаҳри етакчи ҳисобланган бўлса, Гиждувон шаҳри кулолчилик маҳсулотлари билан шуҳрат топди. Каттакўрғонда тайёрланган пойабзал маҳсулотлари бутун Туркистон ўлкасида маълуму машҳур эди. Барча шаҳар ва қишлоқларда моҳир усталар фаолият кўрсатишар, уларнинг ҳар бири кўплаб шогирдлар етиштиришар эди. Шу тариқа воҳада ҳунармандчилик турлари баравар ривожланмоқда эди.

Воҳа аҳолиси савдо-сотиқ бобида ҳам қадимий анъаналарни давом эттирди. Бу даврда йирик сармоёга эга бўлган савдогарлар қатлами пайдо бўла бошлади. Бундай тадбиркор тижоратчилар нафақат ички савдода, балки ташқи савдо соҳасида ҳам фаол иштирок эта бошладилар.

Зарафшон воҳасида савдо-сотиқ мавсуми январ ойидан май ойига қадар қизгин паллага кирар эди. Воҳанинг қишлоқ жойларида истиқомат қилган ҳунар аҳли кўпгина ҳолларда деҳқончилик юмушлари билан ҳам банд бўлишган.

Зарафшон воҳасининг мустамлака қисми ва Бухоро амирлиги тасарруфидаги вассал ҳудудларидаги ўзига хос шароитларда савдо-сотиқнинг тараққий этиши, савдо ва судхўрлик капиталининг юзага келиши шаҳар ва қишлоқлар натурал хўжалигидаги биқикликни парчалашда ижобий роль ўйнади. Бу даврда савдогарлар ва судхўрлар маҳаллий буржуазиянинг асосий ўзагини ташкил этарди.

Тарихий манбалар XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик алоҳида ўрин тутганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ушбу манбалар юқорида тилга олинган соҳаларда рўй берган миқдор ва сифат ўзгаришларини ҳам ўзида акс эттиради.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, воҳанинг Россия мустамлакасига айлантирилиши, бу ерда капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши, саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, янгича ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли ҳаётига, айниқса, ҳунармандлар ва савдогарлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳунармандчиликнинг айрим тармоқлари тушкунликка учради, баъзи тармоқлари юзага келган янги иқтисодий шароитга мослашиб борди. Ҳар ҳолда тадқиқ этилаётган даврда ўтроқ аҳоли орасида ҳам, кўчманчилар ўртасида ҳам ҳунармандчилик ўзининг аввалги мавқеини деярли сақлаб қолди. Таъкидлаш жоизки, бунинг сабаби воҳада вужудга келган дастлабки саноат корхоналарининг ривожланиш даражаси пастлиги билан боғлиқ эди. Шу боис аҳолининг саноат молларига бўлган эҳтиёжи ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳисобига қондирилар эди.

Гарчи халқ хунармандчилиги уй шароитидан чиқиб, кенг кўламдаги саноат ишлаб чиқариши даржасига кўтарилолмаган бўлса-да, майда кустар ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий давлатларга ҳам чиқариларди. Яъни, бир қарашда гарибгина кўринадиган қулбола дастгоҳларда тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмади.

Туркистон хунармандчилигининг ўша даврдаги фаол тадқиқотчиларидан бири бўлган граф Головин "Кустарные промыслы в Туркестане" номли мақоласида "Туркистонда хунармандчилик турлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг айримлари нафақат маҳаллий, балки умумдавлат аҳамиятига моликдир" [20] дея эътироф этиб ўтганлиги ҳам бу фикримизни тўла-тўқис исботлайди.

Тўқимачилик, кўнчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, пойабзал тайёрлаш, кулолчилик, бўёқ тайёрлаш, дегрезлик, гиламдўзлик ва бошқа касб-корлар XIX аср охири-XX асрнинг бошларида Зарафшон воҳаси хунармандчилигининг асосий соҳалари саналган. Бухоро, Самарқанд, Фиждувон, Каттақўрғон, Кармана, Ургут сингари шаҳарлар ва аҳоли пунктлари йирик хунармандчилик марказлари мақомига эга эди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ана шу даврда Зарафшон воҳаси хунармандларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи аҳолининг бошқа қатламлариники сингари анча машаққатли кечган. Гарчи хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаёт даражаси анча пастлигича қолаверди. Хунармандчилик ривожига маҳаллий ҳукуматнинг етарлича эътибор қаратмаганлигини бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Иккинчи томондан, Россия империяси мустамлакачилиги ўрнатилгач, ушбу ҳудудларга ҳам завод-фабрикаларда ишлаб чиқарилган нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар йил сайин кўпроқ миқдорда кириб кела бошлади. Учинчидан, хунар аҳли минг машаққатлар эвазига ишлаб чиқарган маҳсулотларни олибсатарлар, савдогарлар арзон нархларда кўтара харид қилишиб, ички ва ташқи бозорларда қиммат баҳоларда сотиш билан шуғулланишар эди. Шу тахлит ҳар томонлама сиқиб қўйилган бечора хунармандлар тақдирга тан бериб, тинимсиз меҳнат қилишга мажбур эдилар.

Зарафшон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўсатган хунармандлар ҳам аҳолининг бошқа қатламлари сингари турли солиқ ва йиғимларни тўлашга, мажбуриятларни адо этишга масъул эдилар. В.В.Бартольд маълумотларига кўра, амир Шоҳмурод даврида фақатгина Бухоро шаҳри аҳолиси ва хунармандлари бундай мажбуриятлардан озод қилинган. Шу мақсадда чиқарилиб, 1920 йилга қадар ўз кучини сақлаб келган махсус тархон ёрлиғига биноан Бухоро шаҳри хунармандлари закот ва тагжой ҳақидан ташқари ҳеч қандай солиқ тўламаганлар ва ҳашарларда ҳам иштирок этмаганлар[21]. Бунинг натижасида бухоролик хунармандларнинг аҳволи воҳанинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳамкасблариникига нисбатан бирмунча яхшиланган. Табиийки, ушбу ҳолат Бухорода хунармандчилик тармоқларининг тараққий этишига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатган.

Воҳа қишлоқларида яшаган хунармандларнинг ҳаёти шаҳарлик усталарникидан кўра оғирроқ кечган. Қишлоқ хунармандлари ўз маҳсулотларини деҳқонлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига натура шаклида ҳам айирбош қилишган. Бундай одмигина савдо усули ҳар иккала томон учун ҳам анча фойдали бўлиб, уларнинг ортиқча қийинчиликларсиз ўз эҳтиёжларини қондиришига хизмат қилар эди. Шу

билан бирга, шаҳарларлик ҳунармандларнинг ҳаёти ҳам унчалик ҳавас қиладиган даражада эмасди. Гарчи қишлоқлик усталарга нисбатан бир қатор қулайликларга эга бўлишса-да, лекин улар ҳам ўзгалар ҳисобига бойлик орттиришни касб қилиб олган олибсотар вофурушлар, устакорлар босимидан кўп жабр кўришган.

Зарафшон воҳаси ҳунармандлари ҳам минг машаққатлар эвазига ўша давр талабларига мослашиб боришди. Бу жараён, айниқса, воҳанинг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги ҳудудларида сезиларли даражада кўзга ташланди. Ҳунармандчилик ривожини хусусида гап кетганда қиёсий таҳлил учун қуйидаги фикрга эътибор қаратсак: "Зарафшон воҳасида яшаётган маҳаллий халқлар, - деб ёзади А.Гребенкин, - ҳунармандчиликда янги-янги ва сифатли маҳсулотлар таёрлаш билан замон талаби даражасида иш олиб борганлар" [22]. Ҳа, табиатан сабр-бардошли ва меҳнаткаш ҳунармандлар ҳар қандай муракаб шароитларда ҳам ўзларининг отамерос касбини эъзозлаб, бу борадаги азалий анъаналарни сақлаб қолишга интиланлар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россия империясининг Европа қисмидаги завод-фабрикаларга нисбатан ғариброқ жиҳозланган Туркистон завод-фабрикалари ва ҳунармандчилик корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар XIX аср охиридан эътиборан Россия бозорларида ҳам пайдо бўла бошлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибидаги ҳудудларига нисбатан бу ерда ҳунармандчилик соҳалари ҳам йилдан-йилга кенгайиб, ривожланиб борди.

Нима бўлганда ҳам ушбу даврда Зарафшон воҳасининг ҳар иккала қисмида ҳунармандчиликнинг анъанавий турлари ўз тараққиётини давом эттирди. Тан олиш керак, Россия империясининг мустамлака тузуми таъсирида миллий ҳунармандчиликнинг азалий ишлаб чиқариш усули ва ускуналарида, охири-оқибат етиштирилаётган маҳсулотларида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, бундай ҳолат мустамлака остидаги Зарафшон воҳасида сезиларли кечди.

Бу даврда воҳага Россиядан йигирилган ип, металл ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотларининг келтирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, тури ва сифатининг ошишига олиб келди, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари учун Россия, Европа ва бошқа Шарқ минтақаларида янги бозорлар очилишига сабаб бўлди. Бундай жараёнлар ҳунармандлар ҳаёти тарзининг ҳам бир мунча яхшиланишига туртки бўлди.

4. Хулосалар:

Шундай қилиб XIX аср иккинчи ярмида Зарафшон воҳасида мураккаб этнодемографик жараёнлар содир бўлди. Биринчидан, аҳолининг сони кескин ошди. Иккинчидан кам сонли этник гуруҳлар қисман ўзбеклар таркибига сингиб бордилар. Учинчидан, бу даврда русийзабон аҳоли вакиллариининг кириб келиши кузатилади. Натижада Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби тобора ранг-баранг тус олди.

Зарафшон воҳасининг табиий-жуғрофий ва иқлимий шароити аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб келди. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўз салоҳияти жиҳатидан Зарафшон воҳаси ҳудуди, аҳолиси, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожини жиҳатидан амирлик бўйича алоҳида мавқега эга ҳудуд ҳисобланган. Бу даврда воҳада ер эгаллиги ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон мавқега эга бўлишга қарамасдан, маҳаллий ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ янгича мустамлака шароитига мослаша борди. Мустамлака тизимининг ўрнатилиши

Зарафшон воҳасини маъмурий сиёсий ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан икки қисмга бўлинишига сабаб бўлди. Воҳанинг унумдор ерлари, Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут ва бошқа йирик аҳоли марказлари жойлашган сарҳадлар Туркистон генерал-губернаторлигига тегишли ҳудудга айлантирилди. Зарафшон воҳасининг Россия империясининг бошқарув тизими ўрнатилган ҳудудларида ҳамда Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳудудларнинг ҳўжалик ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бериб, дастлабки йилларда воҳада ҳунармандчилик, тадбиркорлик савдо-сотик соҳалари ўз бошидан мураккаб тарихий жараёнларни кечирди. Россияда ишлаб чиқарилган мануфактура маҳсулотларининг кўплаб воҳа бозорларига кириб келиши кўпгина ҳунармандчилик соҳаларини инқироз ёқасига олиб келди. Ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари юзага келган вазиятга жуда қийинчилик билан мослашишга мажбур бўлди. Савдо-сотик жараёнлари асрий анъаналарни давом эттириш билан бир қаторда воҳа аҳолиси мустамлака тизим зулми исканжасида қолиб кетди.

Иқтибослар/Сноски/ References:

[1] Туркестанские ведомости. 1871. №2,29,39,40,41,42. (Turkestanские ведомости. 1871. № 2,29,39,40,41,42.)

[2] Туркестанские ведомости. 1871. № 9,10. (Turkestanские ведомости. 1871.- No. 9,10.)

[3] Туркестанские ведомости. 1871. №30. (Turkestanские ведомости. 1871. №30.)

[4] Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. -СПб.,1843.-С.63. (Khanikov N.V. Description of the Bukhara Khanate. -SPb., 1843.-P.63.)

[5] Зарубин И.И. Население Самаркандской области (его численность этнографический состав и территориальное распределение). -Л., 1926. (Zarubin I.I. The population of Samarkand region (its number is ethnographic composition and territorial distribution). -L., 1926.)

[6] Материалы по районированию Средней Азии (I) кн. I., Территория и населения Бухары и Хорезма. Часть I. Бухара. -Тошкент, 1926.-С. 253. (Materials on the zoning of Central Asia (I) pr. I., Territory and population of Bukhara and Khorezm. Part I. Bukhara. -Toshkent, 1926.-P. 253.)

[7] Соболев Л.Н. Географические и статические сведения о Зерафшанском округе. ЗИРГО по отделению статистики. Т. IV, -СПб., 1874. -С. 317. (Sobolev L.N. Geographical and static information about Zerafshan district. ZIRGO statistics department. T. IV, -SPb., 1874. -P. 317.)

[8] Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. // Труды III международного съезда ориенталистов, 1876, Т. I., -СПб., 1879-1880. -С. 331. (Rostislavov M.N. An outline of the types of land ownership and a pompous issue in the Turkestan Territory. // Proceedings of the III international congress of orientologists, 1876, T.I, . -SPb., 1879-1880. -P. 331.)

[9] Семенов А.А. Очерк по земельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. -Ташкент, 1929. -С. 25. (Semenov A.A. Essay on the land tax and tax structure of the Bukhara Khanate. Tashkent, 1929. 25.)

[10] Маликов А. Ўзбекларнинг минг гуруҳи (XIX -XX аср бошлари). // Moziydan sado. 2007. -№4.-Б.25. (Malikov A. O'zbeklarning ming guruhı (XIX-XX asr boshlari). / / Moziydan sado. 2007.-№4.-P.25.)

[11] Шаниязов К.Ш. Некоторые вопросы этнической динамики этнических связей узбеков в XIV - XVIII в.в. Материалы к этнической истории населения Средней

Азии. -Ташкент, 1986. -С. 91. (Shaniyazov K.Sh. Some issues of ethnic dynamics of ethnic relations of Uzbeks in the XIV - XVIII centuries Materials on the ethnic history of the population of Central Asia. - Tashkent, 1986. -P. 91.)

[12] Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX -нач.XX вв.) Материалы исторической географии Средней Азии. -Ташкент: Университет, 2001. -С. 4.(Settlements of the Bukhara Emirate (late 19th - early 20th centuries) Materials for the historical geography of Central Asia. -Tashkent: University, 2001.-P.4.)

[13] Мирза Бади диван. Маджма ал-аркам / Введение, перевод, примечания и приложения А.Б.Вильдановой.-М.: Наука. 1981.-С.38. (Mirza Badi divan. Majma al-arkam / Introduction, translation, notes and applications by A.B.Vildanova.-M.: Science. 1981.-P. 38.)

[14] Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. -М.: Наука, 1976. -С.211. (Karmysheva V.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. -М.: Nauka, 1976.-S. 211.)

[15] Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. -Тошкент, 1969. (Mirzaev M.M. Uzbek tilining Bukhorogruppashevalari. -Toshkent, 1969.)

[16] Кисляков Н.А. Патриархально- феодальные отношения Бухарского ханства конца XIX-начале XX века. -М., 1962. -С. 23. (Kislyakov N.A. Patriarchal-feudal relations of the Bukhara Khanate of the late XIX-early XX centuries.- М., 1962. -P. 23.)

[17] Мажлисав А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в конце XIX-начале XX века. Автореф. дис. докт. ист. наук. -Душанбе, 1968.-С.23. (Majlisov A. Agricultural relations in Eastern Bukhara at the end of the 19th - beginning of the 20th centuries. Abstract. dis. ... doctorate. -Dushanbe, 1968. -P.23.)

[18] Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. -Тошкент, 1954. -С.90. (Mirzaev K.M. Amlyak form of feudal land ownership in the Bukhara Khanate.-Toshkent, 1954.-P.90.)

[19] Этнографические очерки узбекского сельского населения. -М.: Наука, 1969. -С.74. (Ethnographic essays of the Uzbek rural population. -М.: Nauka, 1969. -P.74.)

[20] Головин Г. Кустарные промыслы Туркестана. // Туркестанский сборник. Т. 512. -С.17. (Golovin G. Handicraft industry of Turkestan. // Turkestan collection. Т. 512. -P.17.)

[21] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинение Т.2. ч1.- М.: Изд-во АН СССР, 1963, -С.263. (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan. Cross section Т.2. Part 1. -М.: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1963, -С.263.)

[22] Гребенкин А. Таджики Зеравшанский долины // Туркестанский сборник. Т.406 -С.184. (Greibenkin A. Tajiks, Zeravshan Valley // Turkestan Collection. Vol. 406 -С.184.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№4 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000